

Бюджетдан маблаг олувчи муассасаларда жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича

«07 июн 2022 йил

Яйлан шахри

№2522сонли ШАРТНОМА

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи "Кўқон ўйл таъмир" МЧЖ (кейинги ўринларда «Иш бажарувчи» деб аталади) номидан раҳбари А.Қурбонов биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Конунчилиги хамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Ўзбекистон туман МТБ номидан (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) раҳбари Х.А.Қўзиева ўрталарида куйидаги максадларда тузили:

1.Шартнома предмети

- 1.1. «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га ўзаро келишув асосида нуқсон далолатномалари ва лойиха-смета хужжатларига кўра куйидаги **42-MTT ҳовли юзасига асфальтобетон қоплама ётқизиш** жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради:
- 1.2. Мазкур шартноманинг умумий киймати 34 066 436 (Ўттиз тўрт миллион олтмиш олти минг тўрт юз ўттиз олти) сўмни ташкил килади.
- 1.3. Бажариладиган жорий таъмирлаш ишларини хусусиятидан келиб чиқиб тегишли хужжатлар расмийлаштиргани ҳолда томонларни ўзаро келишувига асосан алоҳида спецификация тузилиб тасдиқланади ва ушбу шартномага илова қилинади.
- 1.4. Жорий таъмирлаш ишларини бажариш муддати:

10 кун

2.Хисоб-китобшартлари.

- 2.1. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун хисоб-китоб келишилган нархларда, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура ва бошқа тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб "Буюртмачи" томонидан қабул қилиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланиши учун бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини сметаси еки калькуляция ва баҳолар преискурантлари асос бўлиб ҳисобланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида бажарилган жорий таъмирлаш ишларида хато ва камчиликлар аниқланса ва белгиланган нархлар юкори деб топилса, ушбу фарқ «Иш бажарувчи» ҳисобидан қопланади.
- 2.2 «Буюртмачи» олдиндан 30 % микдорида тұловни амалга оширади хамда тўлиқ хисоб-китобни «Иш бажарувчи» жорий таъмирлаш ишларини бажаргандан сўнг 60 кун ичida амалга оширади.
- 2.3. Жорий таъмирлаш ишларини бажарилиши жаренида «Буюртмачи»га тегишли бўлган хом-ашелар ва материаллардан фойдаланилганда бажарилган жорий таъмирлаш ишлари қийматидан ушбу сарфланган хом-ашелар ва материаллар қиймати чиқариб ташланиб «Иш бажарувчи» билан хисоб-китоб қилинади.

3. Томонлар хуқуқи ва мажбуриятлари:

- 3.1. «Иш бажарувчи» ўз кучлари ва ишлаб чиқариш воситалари билан барча ишларни мазкур шартнома ва иловаларида яъни лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган даражада ва ҳажмларда, муддатида, сифатли, техник талабларга жавоб берадиган холатда бажариб тегишли хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.
- 3.2. «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган иш (хизматлар)ни бир қисми еки хаммаси сифатсиз бажарилганлиги аниқланиб «Буюртмачи» томонидан тегишли равишда далолатнома расмийлаштирилганда бажарилган ишларни сифатсиз қисми «Иш бажарувчи» томонидан ўз маблағлари ҳисобидан қайтадан бажариб берилади. Ушбу қўшимча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўлов амалга оширилмайди.
- 3.3 «Буюртмачи» «Иш бажарувчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини нуқсон далолатномалари (дефект актлари), лойиха-смета хужжатлари ва бошқа тегишли хужжатлари билан «Иш бажарувчи» ни таъминлайди.
- 3.4 «Буюртмачи» бажарилган жорий таъмирлаш ишларини шартнома шартлари ва лойиха-смета хужжатларига тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

4. Жарималар кўлланилиши

- 4.1 Агар «Иш бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз бажарилган ишлар(хизматлар) тақдим этилганда «Иш бажарувчи» эса ушбу нуқсонларни бартараф этишдан бош тортса, «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»дан бундай бажарилган жорий таъмирлаш ишларининг умумий кийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима кўллаб, конунчиликда белгиланганд тартибида ундириб олинади.
- 4.2 Агар «Иш бажарувчи» томонидан шартномада белгиланган ишлар муддатларида бажарилиши таъминланмаса, «Иш бажарувчи» муддатида бажарилмаган жорий таъмирлаш ишларини умумий кийматини 0.4% микдорида ҳар бир муддати ўтган куни учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди.
- 4.3 Қабул қилинган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада белгиланган муддат ичida асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун қабул қилинган иш(хизмат) микдори суммасидан «Буюртмачи» томонидан 0.5 % микдорида «Иш бажарувчи» га пеня тўланади.
- 4.4 Жарималар тўланиши «Иш бажарувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

5.<Форс-мажор>

5.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолларда бузилса (яъни сув тошқини, енгин, зилзила, бошқа табиий оғатлар ва хукуматнинг маҳсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

6. Шартнома муддати

- 6.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.
- 6.2. Шартноманинг амал килиш муддати 2022 йил 31-декабргача. Маълум сабабларга кўра бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.
- 6.3. Шартнома кўйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:
 - а) томонлар ўзаро езма келишувига асосан;
 - б) «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган жорий таъмирлаш ишларини сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда хужжат расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;
 - в) «Иш бажарувчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1 ва 3.2 бандлари бажарилмаганда;
 - г) бюджетдан маблагф олувчини харажатлар сметасига еки лойиха-смета хужжатларига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Иш бажарувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;
 - д) нархлар ўзгариши натижасида маҳсулотларнинг, бажарилган жорий таъмирлаш ишларини нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши еки купайиши) лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;
Изоҳ: б, в, г, д пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор килингани тўғрисида «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум килади.

7. Кўшимча шартлар

- 7.1. Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал килинади. Ўзаро келишилмаса Ўзбекистон Республикаси иқтисадий суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда хал килинади.
- 7.2. «Таъминотчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган хужжатлардан (лицензия, гувоҳнома, сертификат) «Истеммолчи»га тақдим этади.
- 7.3. Шартномани бажарилиши учун таъгурукли хужжатларни хаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни тақдим этаетган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.
- 7.4. Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли Газначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.
- 7.5. Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланниб тегишли Газначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал килинади.

8. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Иш бажарувчи»

Кўкон йўл таъмир МЧЖ

«Иш бажарувчи»

«Буюртмачи»

Ўзбекистон туман МТБ

(буюртмачи)

Манзил: Яйпан шаҳар А.Навоий
кўчаси №23 а-уй

Тел: 90-508-00-08

X#P: 20208000604638382001

Ўзсаноат курилиш банк Кўкон бўлими

МФО: 00531 ; ИНН: 300518595

ОКЕД: 42110

Манзил: Яйпан шаҳар зиёкор кўчаси

Тел./факс _____
ш/х: 100022860302307091100251048

СТИРи 305153082

ОКОНХ 92400

МФО 00014

Газначилик: Ўзбекистон туман Газначилик бўлими
Газна X#P: 23402000300100001010
ИНН: 201122919

Рахбар А.Курбонов



Рахбар

Х.А. Курбонов

(Ф.И.Ш.)

(имзо)





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI

O'ZBEKISTON TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

151800, O'zbekiston tumani, Ziyokor ko'chasi, tel.: (998 73) 539 15 38,
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: uzbekiston.t-yurmarkaz@adliya.uz

2022-yil 7-iyun

Yaypan shahri

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1.Loyihaning turi : Sharhnomma.

2.Loyihaning nomi: Byudjetdan mablag' oluvchi muassasalarda joriy ta'mirlash ishlarini bajarish bo'yicha sharhnomma.

3.Loyihani ishlab chiqqan tashkilot: O'zbekiston tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi.

4.Loyiha yuzasidan ma'lumot:

O'zbekiston tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi va "QO'QON YO'L TA'MIR" MChJ o'rtaida umumiyligi qiymati 34.066.436 (o'ttiz to'rt million oltmis olti ming to'rt yuz o'ttiz olti) so'm bo'lgan 42-davlat maktabgacha ta'lim tashkiloti hovli yuzasiga asfalt beton qoplamasini yotkizish joriy ta'mirlash ishlarini bajarish to'g'risidagi sharhnomasi loyihasi huquqiy xulosa olish uchun taqdim qilingan.

O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlarning sharhnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 5-moddasiga asosan yuridik shaxslar, shuningdek yuridik shaxs tashkil etmagan holda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan jismoniy shaxslar xo'jalik sharhnomalarining subyektlari (taraflari) bo'ladi.

O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlarning sharhnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 10-moddasi birinchi qismiga ko'ra, xo'jalik sharhnomasi sharhnomma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, sharhnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, sharhnomma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, sharhnomma tuzilgän sana va joyni, shuningdek bunday turdagiligi sharhnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko'ra o'zaro kelishuvga erishish lozim bo'lgan boshqa muhim sharhlarni nazarda tutishi kerak. Sharhnomma loyihasida mazkur Qonun talablariga amal qilingan holda mazkur sharhlarni nazarda tutilgan.

Fuqarolik kodeksining 108-moddasiga asosan yuridik shaxslarning o'zaro bitimlari oddiy yozma shaklda tuzilishi belgilangan. Taqdim etilgan

shartnomasi oddiy yozma shaklda tuzilgan. Shartnomaga shartnoma tuzish vakolati bo'lgan mansabdar shaxs tomonidan imzolanishi lozim.

O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi O'RQ-684-sonli Qonunining 56-moddasi birinchi qismiga ko'ra, eng yaxshi takliflarni tanlash vositasidagi davlat xaridi quyidagi shartlar bir vaqtning o'zida bajarilgan taqdirda amalga oshiriladi:

g'olibni aniqlash mezonlari tovar (ish, xizmat) davlat xaridining nafaqat pul ifodasiga, balki miqdoriy va sifat bahosiga ham ega bo'ladi;

tovarning (ishning, xizmatning) qiymati bir shartnoma bo'yicha bazaviy hisoblash miqdorining yigirma besh ming baravarigacha (budget buyurtmachilari uchun olti ming baravarigacha) bo'lgan miqdorni tashkil etadi.

Mazkur Qonunning 62-moddasi birinchi qismida "Takliflarni taqqoslash natijalariga ko'ra xarid komissiyasi tanlash g'olibini aniqlaydi va tanlash o'tkazish natijalarini bayonnomada aks ettiradi." deb belgilangan.

O'zbekiston tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi xarid komissiyasining 2022-yil 3-iyundagi 95173-sonli majlis bayoniga asosan "QO'QON YO'L TA'MIR" MChJ 42-davlat maktabgacha ta'lim tashkiloti hovli yuzasiga asfalt beton qoplamasini yotkizish joriy ta'mirlash ishlarini bajarish bo'yicha o'tkazilgan tanlovnii g'olib deb topilgan.

"Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonunning 63-moddasi birinchi qismiga asosan tanlash natijalariga doir shartnoma tanlash bo'yicha xarid qilish hujjatlarida va o'zi bilan shartnoma tuzilayotgan tanlash ishtirokchisi tomonidan taqdim etilgan taklifda nazarda tutilgan shartlar asosida tuziladi.

Taqdim etilgan hujjatlarni o'rgangan holda va yuqoridagilarga asosan:

XULOSA QILAMAN:

O'zbekiston tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi va "QO'QON YO'L TA'MIR" MChJ o'rtasida umumiyligi 34.066.436 (o'ttiz to'rt million oltmis olti ming to'rt yuz o'ttiz olti) so'm bo'lgan 42-davlat maktabgacha ta'lim tashkiloti hovli yuzasiga asfalt beton qoplamasini yotkizish joriy ta'mirlash ishlarini bajarish to'g'risidagi shartnomasi loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq hisoblanadi.



Markaz bosh yuriskonsul'ti

A.Turdialihev